

## Йил бошида ош дастурхони

Ажоддларимиз қадим-қадимдан хайрли иш олдидан эҳсон дастурхони ёзиш удумига амал қилиб келишган. Асрлар оша бизгача етиб келган ушбу анъанани давом эттирган ҳолда 2021 йилнинг 13 январь куни янги йил ҳамда анъанавий ўқишнинг бошланишига шукrona тариқасида қишики таътилдан қайтган институтимиз талабалар турага жойида яшовчи талабаларга ош дастурхони ёзилди.



Мазкур хайрли иш институтимиз ректори Ў.Умурзаков ташаббуси билан ташкил этилди. Эрталабдан барча талабалар турага жойлари ҳовлисига дошқозонлар ўрнатилиб моҳир ошпазлар томонидан ош пишириш учун ҳаракатлар бошлаб юборилди. Бу жараёнда талабалар турага жойида яшовчи талабаларимиз ҳам фаол иштирок этишиб ошпазларга қўлдан келганча ўз ёрдамларини аяшмади.



Тадбир жараёнида институт ректори 5 муҳим ташабbusнинг 5 ташаббуси доирасида талабалар турага жойида ташкил этилган тикув цехига ҳам ташриф буюрди. Мазкур цехда яратилган шартшароит, талаба-қизларимиз томонидан тайёрланган кийимларларни атрофлича кўздан кечириб қўли гул тикувчи қизларимизга ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Шунингдек, мазкур тадбирда институт раҳбарияти ҳамда факультет деканлари ҳам фаол иштирок этишиб ош пишиши жараёнида талабалар билан қизиқарли сухбат олиб бориши ҳамда талабаларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишиб, муаммо ва таклифлари бўйича фикрлашдилар. Ош тадбири жуда қизиқарли ва мароқли кечди. Бу тадбирдан институт талабалар турага жойида истиқомат қиладиган талабалар жуда жуда хурсанд бўлишиб, институт раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини билдиришибди.



**Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи З.Хайдаров ахбороти**

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**